



БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 7 февраль куни
расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шундан сўнг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко пойтахтимиздаги “Нато Агера” муз саройига ташриф буюрди.

Спорт мажмусида Беларусь етакчисини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Муз саройидаги ушбу учрашув чуқур рамзий маънога эга. Александр Лукашенко — хоккей ишқибози, Беларусда ушбу спорт

турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди, ўзи ҳам бир неча бор муз майдонига тушган.

Ўзбекистонда ҳам спортнинг қишки турлари, шу жумладан, хоккейни ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. 2019 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Нато Агера” кўп функцияли муз саройи барпо қилинган эди. Тошкентнинг “Хумо” жамоаси халқаро ва минтақавий мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда, хусусан, Беларуснинг Гродно шаҳри “Неман” клуби билан беллашиб келмоқда.

Танишув чоғида Президентлар Тошкентнинг “Хумо” ва Остонанинг “Номад” хоккей жамоалари ўртасидаги учрашувни томоша қилдилар. Ўйин якунида олий мартабали меҳмонларга уларнинг исмлари туширилган хоккей кийими топширилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 февраль куни бўлиб ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ олий даражадаги музокаралар ўтказилиши, уларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Ўзаро товар айирбошлашни ошириш, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, коммуникациялар ва бошқа тармоқларда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлади.

Профессионал таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларида шериклини ривожлантириш дастурлари ҳам муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

Биз ва дунё

Ўзбекистон — Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

7 ФЕВРАЛЬ КУНИ БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ
АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКОНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ
БОШЛАНДИ



Тараққиёт йўли

ШУ СОҲАДА ИШЛАЯПМИЗМИ, УНИНГ ИЧИДА ЧИН ЮРАКДАН ЯШАШ КЕРАК

Жорий йил 5 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятига тўхталиб экан, ўтган етти йилда олий таълимда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар танқидий сарҳисоб қилинди. Хусусан, профессионал таълим учун масъул идоралар кўпайиб кетгани олий таълим ривожига тўсиқ бўлаётгани таъкидланди. Таълим соҳаси, жумладан, техникумлар ўртасида иш берувчилар билан режали ҳамкорлик йўқлиги, чора-тадбирлар ижроси таъминланмай келингани танқидий баҳоланди.

Эътирозлар ўз асосларига эга ва жуда ўринли. Кейинги етти йилда таълим келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи, деб қаралиб, ислохотларимиз бош мезонига айланди. Натижада таълим халқаро стандартлар асосида дунё билан интеграциялашди, кўшма дастурлар фаолияти кириб келди. Бугун Ўзбекистонга хорижий уни-



верситетлар ва талабалар келиши жадал кенгаймоқда. Ўз навбатида, соҳага хусусий таълим кириб келиши натижасида олий таълимда қамров кескин ошди. Бироқ ҳали рақобат муҳити яратилмади ва сифат у қадар ошишига эришилмади.

Президентимиз бу борада ҳақли равишда “Масалан, талабаларнинг мустақил ишлаши учун муҳит барча олийгоҳларда ҳам бирдек намунали ташкил этилмаган. Аксарият коллеж ва техникумлар ҳам, олийгоҳлар ҳам иш берув-

чилар талаби билан ҳисоблашмайди. Айримларида дарслик ва адабиётлар етишмайди, бори ҳам бугунги талабаларга жавоб бериш қийин”, деб талабни қатъий ўртага ташлади.

➤ Давоми 3-бетда

Бугуннинг гапи

ДАХЛДОРЛИК ЗАНЖИРИ

Барча масъулларни халқпарварлик ҳисси боғлаб туради

Бугун юртимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Ўтган қисқа даврда замонавий массивлар, бинолар ва уй-жой мажмуалари қад ростлади, инфраструктура ривожланмоқда. Хатто энг олмас қишлоқда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётганини кўриб, кўзингиз қувнайди.

“Уй борнинг ташвиши йўқ, чунки унинг бошпанаси бор” деган гапда чуқур маъно мужассам. Топиб айтилган гап-а? Бунини, айниқса, ўз уй-жойига эга бўлмаган, йиллар давомида шу озу билан яшаган одамлар яхши ҳис қилади.

Халқимиз учун уй-жой ватан ичра кичик ватандир. Инсоннинг дунёга келиши, шахс сифатида камол топиши, фарзандларни вояга етказиши, миллий урф-одат ва

тарихий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш каби эзгу анъаналар айнан уй-жойда амалга оширилади. Саодатли яшамокнинг моҳияти ҳам шу аслида.

Бугун мамлакатимиз аҳолиси сони 37 миллионга яқинлашиб турибди. Табиийки, аҳоли сони кўпайиши билан уй-жойга талаб ҳам ошиб боради.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Озарбайжон
Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан
телефон орқали мулоқотда ушбу мамлакат
Президентлигига навбатдан ташқари сайлов
муваффақиятли ўтказилгани билан
самимий табриклади.

Сайловчилар иштироки ва фаоллиги юқори даражада бўлганини қайд этиб, давлатимиз раҳбари қардош озарбайжон халқи давлат келажиги, кучли ва гуллаб-яшнаган Озарбайжон учун овоз бериб, тўғри қарор қабул қилганига ишонч билдирди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ижобий суръатда ривожланиб бораётгани

мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йил якунларига кўра товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Қўшма Инвестиция компанияси ўз ишини бошлади, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқлардаги кооперация лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда.

Халқаро тузилмалар, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗА

УЙҒОҚ ФИКР



Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир...

...Эй муҳтарам ёшлар! Азиз биродарлар, ўгул тўйларига сарф қилатургон ақчаларингизни мана шул илм замони йўлига сарф этингиз, сиздан ўғлунгизга мол мерос қолмасун, балки, албатта, илм ва тарбия мерос қолсун.

Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ

Нуқтаи назар

ДАДИЛ ОДИМЛАР катта мақсадларга эришишимизда асос бўлмоқда

2024 йилнинг дастлабки ойида қилинган ишлар — хоҳ ички, хоҳ ташқи сиёсатда бўлсин, кўлами ва мазмун-моҳияти жиҳатидан омадли ва баракали бўлган аввалги йилнинг мантикий давоми сифатида халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин.

Халқимиз ҳар бир йилнинг қандай номланишини катта қизиқиш билан кутади. Президентимизнинг Янги йил байрами табригида 2024 йилга “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб ном бериш таклиф қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардир. Шу боис, давлатимиз раҳбари 2016 йилда дастлаб имзолаган ҳужжат ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни эди.

Ўтган вақт давомида ёшлар манфаатига хизмат қилувчи яна кўплаб фармон ва қарорлар, дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилди. Шу маънода, 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган ҳам, давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни илмли, маърифатли ёшлар билан қурамир, деган даъвати ҳам оқилона сиёсатнинг узвий давомидир.

➤ Давоми 5-бетда

2024 йил 8 февраль, 28-сон

Биз ва дунё

Ўзбекистон — Беларусь:

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

1993 йил январь ойида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган ўттиз йил давомида икки томонлама ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь халқаро май-донда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб, минтақаларо ва кўп томонлама платформаларда, жумладан, БМТ, МДХ, ШХТ, Қўшилмаслик ҳаракати доирасида самарали ҳамкорлик қиляпти.

Икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли ва яқин дўстона муносабатлар самарали давлатларо мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг янги динамикаси ва мазмунидан Беларусь раҳбарининг 2016 йилдан буён Ўзбекистонга расмий (2018 йил) (2022 йил) ташрифлари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига расмий (2019 йил) ташрифлари далолат беради.

Қайд этиш керакки, кейинги йилларда юқори ва минтақаларо даражадаги мулоқотлар кескин фаоллашди. Жумладан, Беларусь Бош вазири Роман Головченко 2022 ва 2023 йилларда икки марта Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари конструктив мулоқотни ривожлантирмоқда, вазирлар даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ташрифлар, шунингдек, сиёсий маслаҳатлашувлар қўллаб-қувватланмоқда.

Парламентларо ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Беларусь Миллий Ассамблеясининг юқори ва қуйи палаталари билан ҳамкорлик

бўйича гуруҳлар ташкил этилди. Ўз навбатида, Беларусь парламентида Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ фаолият юритмоқда. МДХга аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеяси доирасида парламент делегацияларининг мунтазам ташрифлар алмашиши ва ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва Беларусьда бўлиб ўтган Президент ва парламент сайловларида икки давлат парламент аъзолари халқаро кузатувчи сифатида доимий равишда иштирок этмоқда.



Таълим соҳасида Беларусь билан 180 га яқин олий таълим муассасаларино шартнома ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилдаги қарори билан Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқларо амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур олий таълим муассасасида 1400 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётир. Хусусан, икки томонлама солиққа тортишнинг олдин олиш ва мамлакатлар ўртасида эркин савдо режими тўғрисидаги келишувлар

ўзаро савдо кўрсаткичларининг барқарор ўсishiга хизмат қиляпти. Ушбу кўрсаткич 2023 йил охирида 2022 йилга нисбатан 15 фоизга ошди.

Шунингдек, икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодиётнинг

устувор тармоқларида ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Ушбу мамлакатлар ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари ўртасидаги алоқалар ҳам ривож топаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда Беларусь капитали иштирокидаги 180 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Яна бир муҳим жабҳада, яъни икки давлат ҳудудлари ўртасида ҳам тўғридан-тўғри алоқалар фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон — Беларусь бизнес форуми ва Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия ҳам иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун самарали платформа ҳисобланади.

Беларусь делегациялари ҳар йили Тошкентда бўлиб ўтадиган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида қатнашапти. Ўзбекистон ишбилармон доиралари делегациялари ўз навбатида, Беларусда бўлиб ўтадиган саноат ва кооперация ярмаркаларида иштирок этиш учун Минск-ка ташриф буюрмоқда.

Президент Александр Лукашенконинг 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июль-август ойларида Беларусга ташрифлари доирасида икки давлат пойтахтларида минтақавий форумлар ва миллий кўргазмалар ўтказилди.

Президент Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида 6-7 февраль кунлари Тошкентда Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши ва минтақаларо форум бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ишбилармон доиралари ва иқтисодий тузилмалари вакиллари иштирок этди ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истиқболлари ҳамда имкониятлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири транспорт-логистика соҳасидир. Таъкидлаш керакки, савдо тўсиқларини бартараф этиш, ўзаро товар айирбошлаш қўлами ва ҳажмини кенгайтириш, юк ташиниши ошириш бўйича томонлар салмоқли ютуқларга эришди.

Беларусь билан маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг асоси икки мамлакат халқлари ўртасидаги яқин дўстона ришталар билан боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда 18 мингга яқин беларусь миллати вакиллари истиқомат қиляпти. Улар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, кўпмиллатли ва бағрикенг Ўзбекистонда тинчлик ва тотувликда яшаб, ўз маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаган ҳолда ёш авлодга етказмоқда. 1993 йилдан буён мамлакатимизда “Свитанак” беларусь миллий маданий маркази фаолият кўрсатяпти. Ўтган йили мазкур маданият марказининг 30 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ўз навбатида, Беларусь Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти ҳузурида “Беларусь — Ўзбекистон” жамияти ташкил этилган. Унинг фаолияти Беларусда ўзбек маданияти ва анъаналари, мамлакатимиз тарихи ва санъатини кенг тарғиб этишга қаратилган.

Икки давлат ўртасидаги маданиятларо мулоқотнинг фаоллиги ҳам эътиборга молик. Ўзбекистон ва Беларусда икки халқ маданияти кунлари мунтазам ўтказиб келиняпти, республикаларнинг ижодий гуруҳлари халқаро фестиваль ва турли тадбирларда қатнашапти.

Тошкентдаги беларусь ёзувчиси Якуб Колас, Минскдаги буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкаллари икки халқ дўстлиги тимсолига айланган.

Кинематография соҳасидаги ҳамкорлик қўлами ҳам кенгаймоқда. 2021 йилда Беларусда Ўзбек киноси кунлари, Ўзбекистонда эса Беларусь киноси кунлари бўлиб ўтди. Ўша йили ўзбек режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов томонидан суратта олинган “Илҳақ” бадийий фильми Минскда ўтказилган “Листопад” халқаро кинофестивалининг энг олий — Гран-при муқотида ҳамда Беларусь Президентининг “Кинода инсонпарварлик ва маънавий учун” махсус муқотига муносиб кўрилди.

Таълим соҳасида Беларусь билан 180 га яқин олий таълим муассасаларино шартнома ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилдаги қарори билан Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқларо амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур олий таълим муассасасида 1400 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь давлат олий таълим муассасалари ўртасида амалга оширилаётган қўшма таълим дастурларида салкам 2,5 минг ўзбекистонлик ёшлар таълим оляпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам икки томонлама алоқалар жадал ривожланаётганини айтиб ўтиш жоиз. 2023 йил ноябрь ойида юртимизда Ўзбекистон — Беларусь соғлиқни сақлаш ва тиббиёт таълими кунлари, шунингдек, Беларусда қўшма тиббиёт форуми бўлиб ўтди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — Беларусь икки томонлама муносабатлари тобора янги мазмун ва маъно билан тўлдирилиб, давлатларимиз имкониятлари мос равишда янада юқори поғонага кўтариляпти. Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи эса ҳамкорликнинг янги уфқларини белгилаш ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Дунё” АА

Бугуннинг гапи

ДАХЛДОРЛИК ЗАНЖИРИ

Барча масъулларни халқпарварлик ҳисси боғлаб туради



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Ўз навбатида, турар жойларга талаб ва тақлиф ўртасида мувозанат бузилиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур омилни ҳисобга олиш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, уларни муносиб яшаш шароити ва уй-жой билан таъминлаш борасида жуда кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Ёш оилалар ва ижтимоий қўмакка муҳтожлар учун уй-жой ажратилиши, бирламчи ва иккиламчи бозорда хонадонлар хариди учун имтиёзли кредит линиялари йўлга қўйилиши, субсидиялар берилиши, асосийси, ҳар бир ҳудуд талабидан келиб чиқиб, замонавий уй-жойлар қурилиши каби чора-тадбирлар фикримизга далил бўла олади.

Бугунги шиддатли давр барчамиздан изланишни, янгича фикрлашни, фидокорона ишлашни талаб этмоқда. Бу масалада ҳам шахсий намуна кўрсатаётган давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳани янада ривожлантириш бўйича муҳомаалар ўтказиб, бажарилган ишларни танқидий руҳда чуқур таҳлил ва

сарҳисоб қилаётгани ҳамда галдаги вазифаларни қўяётгани раҳбарларнинг халқ олдидаги масъулиятини кучайтирмоқда, уларни доимо уйғоқ ва сергак бўлишга ундамоқда.

Навбатдаги сарҳисоб йиғилиши уй-жой қурилиши, коммунал хўжалик, транспорт ва экология масалалари муҳокамасига бағишланди ва унда соҳадаги долзарб муаммолар таҳлил қилинди, танқидий фикрлар билдирildi, истиқболдаги режалар белгиланди.

Давлатимизнинг аҳоли уй-жой ва коммунал хўжалигини ривожлантириш борасидаги ислохотларни изчил давом эттиришга ҳаракат қилаётгани, соҳа мутасаддиларини бу ишга катта масъулият ва қуйинчалик билан ёндашишга ундаётгани замирида ҳар бир юртодошимизни бахтли-саодатли кўриш истаги муассасам. Президентимизнинг “Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га — уй-жойига эга бўлса, халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади” деган эзгу истаги янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга талабини қондириш, давлат бюджетни ҳисобидан субсидия тақдим этиш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 90 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилган бўлса, яқин 2-3 йилда бу кўрсаткич 200 мингга етказиш устида ишланмоқда.

Лекин нега уй-жой, коммунал соҳасидан халқимиз энг кўп норози бўлмоқда? Нима сабабдан соҳани тартибга солиш масаласида масъуллар эмас, давлат раҳбари қайғуриши керак, деган саволлар кишини ўйлашга мажбур қилади.

Албатта, уй-жойли бўлиш оилага хурсандчилик олиб келади. Бироқ лойиҳа, тендер, қурилиш ва объектни қабул қилиш билан боғлиқ барча жараёнда коррупция ҳолатлари ҳамда қурилишдаги “обнал” ва ўғриликлар сабабли сифатсиз қурилган уй эгасига айланамиз. Қурилишга ажратилган бюджет маблағининг мақсадсиз ишлатилиши, талон-торож қилиниши қурилатган уй-жойларнинг сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Соҳадаги энг катта муаммо лойиҳа ташкилотларнинг объект қийматини имкон қадар шиширишга ҳаракат қилишидир. Чунки лойиҳа қанча қimmat бўлса, лойиҳачи шунча кўп пул олади. Молиявий ресурс йўқлиги сабабли қурувчилар аҳоли маблағини пойдевор қуриш босқичида жалб қилиб, одамларни

улушдор сифатида расмийлаштирмоқда. Натижада айрим нопок қурувчилар ҳисобига одамлар ҳимоясиз қолмоқда. Бугунги амалиётта мувофиқ, кадастр ҳужжати йўқ уйга ипотека кредити бериш мумкин эмас. Айрим нопок қурувчилар одамларнинг ишончига қириб, уй ёки бинолар қуриб беришни ваъда қилиб, уйларни қуриб бермасдан ёки бошқага сотиб юбориб, чув тушириб кетмоқда. Мазкур муаммони бартараф қилиш учун уй-жой қурилишига аҳолининг улушдор бўлиб қиришини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарур.

Бу каби ҳолатлар уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасини ҳам четлаб ўтмаган. Кўп қаватли уйларнинг иссиқлик ва сув таъминотини яхшилаш учун масъулларда ваколат, имконият, шароит бор, аммо изланиш, ташаббус етишмайди. Сув, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш ҳақида бонг урамиз, лекин уни қай йўл билан тежаш мумкинлиги ҳақида изланмаймиш, “бугуним ўтса бўлди” қабилида кун ўтказамиз.

Аҳолини қийнаб келаётган масалалар — уй-жойга эгалик, уни сотиб олиш ва ҳужжатлаштириш, кадастр, сув, иссиқлик, электр, чикинди, ижтимоий инфратузилма, коммуникация каби бир-бирига чамбарчас соҳаларни тартибга солиш учун масъул идора ва ташкилотлар бир ёқадан беш чиқариши, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш юритишдан воз кечиши, мутасаддилар онгу шурида юртпарварлик, халқпарварлик ҳис-туйғуси бўлиши талаб этилади.

Парламентимиз томонидан уй-жой соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда қонунчилик ҳужжатлари чигирқидан ўтказилмоқда. Хусусан, айни кунларда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой, Шаҳарсозлик кодекслари, “Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қўллаб қонунчилик ҳужжатлари тақомиллаштирилмоқда. Соҳадаги муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш — бугуннинг долзарб вазифаси. Тизимни коррупциядан холи қилишнинг энг мақбул йўли рақамлаштириш ҳамда турли платформа ва лойиҳаларни йўлга қўйишдир.

Мамлакатимиздаги ислохотларда инсон қадрини улуғлаш, халқимизга енгиллик ва қулайлик яратиш олий мақсад қилиб олинган. Бу каби ишларни бажаришда, албатта, сиёсий ирода, ташкилотчилик ва узоқни кўра олиш қобилияти самара беради. Ислохотларда жавлон уриб, эл-юрт дардида дармон бўла олган раҳбаргина халқ ишончига сазовор бўлади, розилигига эришади.

Инсон қадри учун

ИЖТИМОЙ КЎМАК ЭНДИ МАНЗИЛИГА АНИҚ ЕТИБ БОРАДИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини маҳалла даражасида йўлга қўйиш, унинг манзиллиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган ижтимоий ҳодим фаолияти ўзини оқламоқда, десак муболага бўлмайди. Бунга ҳудудлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 59 та маҳалла фуқаролар йиғинида 20 нафар, Термиз шаҳрида 18 нафар ижтимоий ҳодим фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу ҳодимлар дастлаб уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳолатини ўргатган ҳолда иқтисодий аҳолини таҳлил қилмоқда. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа тайинлаш ҳамда маълумотларни тақдим этиш ишлари самарали ташкил этилмоқда.

Узун туманидаги “Боботог” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 16 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар тўлиқ ҳатловдан ўтказилиб, “Онлайн маҳалла” электрон платформасига киритилди. Яқин-яқингача маҳалладаги имконияти чекланган шахсларга бундай эътибор бўлмаган.

Кўп йиллар давомида фуқаролар кичик бир масала юзасидан ҳам 110-120 километр узоқликда жойлашган туман марказига, яъни ҳокимликка боришга мажбур эди, бугун эса улар ўз муаммолари билан маҳалла фаолларига мурожаат этмоқда. Маҳалладаги ижтимоий ҳодим тегишли ташкилотлар

билан ҳамкорликда аҳоли муаммосига ечим топтомоқда. Натижада одамларнинг оворагарчилигино ортиқча харажатлари камайиб, муаммолари тез фурсатда ижобий ҳал қилиб берилмоқда. Бу айникса, имконияти чекланган фуқаролар учун катта қулайликдир.

“Боботог” ҚФЙга қарашли Янгиобод ва Толтўғай маҳаллаларига бириктирилган ижтимоий ҳодим Фахриддин Жўраев ҳудуд аҳолисининг ишончини оқлашга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ижтимоийлашувиغا ҳисса қўишига астойдил ҳаракат қиляпти.

Толтўғай маҳалласида истиқомат қилувчи Мавжухол Баратова 46 ёшда. Аммо дард вужудини эрта эгаллаб олди. 2016 йилда унинг соғлигида жиддий муаммолар пайдо бўлиб, буйрак етишмовчилиги боис, ўнг буйраги жароҳлиқ йўли билан олиб ташланган ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги тайинланган. Орадан уч йил ўтиб, полиартред хасталигини ҳам орттириб олди. 2018 йилда саломатлиги ёмонлашгани сабаб тиббий кўриқдан ўтганда юрак қисмида суяқлик тўплангани ташхиси қўйилди.



Одамларнинг муаммоларини уйма-уй ўрганиб юрган Фахриддин Жўраев 2023 йил ноябрь ойида Мавжухол Баратовани тиббий кўриқдан ўтказишда бош-қош бўлди. Шифокорлар хулосасига асосан, аёлга биринчи гуруҳ ногиронлиги берилди. Ҳозир маҳалладаги ижтимоий ҳодим ва туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида қонунда кўрсатилган тартибда доимий равишда бепул дори-дармон билан таъминланади ҳамда доимий шифокор назоратида олинган.

Ҳаётда ҳар куни турфа хил инсонларга ва уларни азобга қўйган ёки қийнаётган муаммоларга дуч келамиз. Кимдир ҳаётдан нолиса, кимдир омади чопмаганидан, имконсизлигидан, фақирлигидан норози бўлиб яшайди. Яна биров соғлиғи жойида эмаслигидан азият чекади.

Аммо шундай инсонлар борки, тақдир уларга катта синов, давосиз дард берган бўлса-да, инсон қидиради, ҳаётда курашишдан, интилишдан, ҳаракат қилишдан тўхтамайди. Имконияти чеклангани унинг интилиши ва иқтидорини намоян этишгага тўсиқ бўла олмайд. Барчасини Яратганнинг инояти ва синови сифатида қабул қилади.

Янгиобод маҳалласида яшовчи Баҳодир Норбоев ана шундай иродаси мустаҳкам, тақдир синовларини писанд қилмайдиган бардошли инсонлардан. У 1994 йил Узун туманида туғилган. 2018 йилнинг август ойида тоғда мол боқиб юрганида чап оёғидан заҳарли илон қақиб олган. Натижада ўша йилнинг сентябрь ойида оёғидан операция қилинган ва унга иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланган.

Баҳодир аксарият одамларга ўхшаб “тақдирим шу экан”, деб ўтirmади. Интилиди, ҳаракат қилди. Ундаги бу иштиёқи кўрган ижтимоий ҳодим, маҳалла фаоллари, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўзини ўзи банд қилиши учун Баҳодирга мотороллер олиб беришди. Ҳозир у кунига ўртача 100 минг сўмгача даромад топтомоқда.

Айтиш жоизки, ҳудудларда ташкил этилган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари бугун ҳар бир маҳаллага кириб борди. Уларнинг олдида кўп вазибалар қўйилган. Ҳодимлар эса яратиб берилаётган имконият ва билдирилган юксак ишончини оқлаш, одамларга наф келтириш, амалга оширилаётган ислохотларга имкон қадар ҳисса қўиши йўлида астойдил меҳнат қилиб, эл-юртнинг дуосини олмоқда.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тараққиёт йўли

ШУ СОҲАДА ИШЛАЯПМИЗМИ, УНИНГ ИЧИДА ЧИН ЮРАКДАН ЯШАШ КЕРАК



Кўнгиротбой ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, ўтган етти йилда соҳага 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилса-да, кўзланган натижага эришилмагани, илм-фанда “ҳаражат — тадқиқот — маҳсулот” деган формула ишламаётгани олдимизда жуда катта вазифалар турганини, профессионал ва олий таълимда кескин ўзгариш қилмасак, бундан кейин ҳам ишларимиз самарасиз бўлишини кўрсатади.

Ҳаётини сўз билан айтсак, шу соҳада ишлаяпмизми, унинг ичида чин юракдан яшаш керак. Давлатимиз раҳбари талаби ва халқимиз ишончини ҳис қилиш, эртанги ёруғ истиқболимизга барчамиз бирдек масъул эканлигини теран англашимиз вақти келди. Ўзибўларчиликда ишлашга энди ҳаққимиз йўқ.

Олий таълимни англаш ва уни кенг татбиқ этиш — долзарб масала

Олий таълим шахс ва жамият тараққиётининг муҳим тарққийб қисми бўлиб, соҳа орқали кадрлар турли фанлар бўйича чуқур билим ва махсус кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Шу нуктага назардан қараганда, замонавий меҳнат бозоридида креатив фикрлайдиган, муаммоларни ҳал қилиш қобилияти ва мулоқот кўникмаси шаклланган, жамоада ишлаш ва етакчилик салоҳияти дастурланган мутахассислар тайёрланмаса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қанча катта маблағ йўналтирмайлик, таълим сифати самарадорлигига эришиш мушкул масала бўлиб қолаверади.

Сифатли таълим олий таълим муассасаларида билим ва инновацияларнинг ривожланишини таъминлаб, мамлакатдаги ислохотларда катта ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий, технологик ривожланишга имкон беради.

Шунинг учун олий таълимда сифатни ошириш шахсий ривожланиш, касбий муваффақият, жамият тараққиёти, билим ва инновацияларни ривожлантириш учун зарурдир.

Бирок олий таълим сифатини оширишдек муаммо мамлакатимиз тараққиётда ечимини кутмоқда. Чунки таълимдаги сифат стандартларини бузиш мамлакат тараққиётда сезиларли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, одатда иш берувчилар табиий равишда сифатли таълим бериш билан машхур бўлган ОТМ битирувчиларини ишга қабул қилади. Бу шуни англатадики, ўқишни битириш осондир, аммо сифат стандартлари пастроқ бўлган муассасалар битирувчиларини иш билан таъминлаш қийинроқ кечади. Бундан ташқари, сифатсиз таълим олган битирувчилар иш берувчилар талаб қилаётган зарур кўникма ва билимга эга бўлмаса, бу уларнинг нафақат иш топишига, балки кейинги ҳаётига, истиқболига тўқсизлик қилиши мумкин.

Бундай натижа ота-оналарнинг таълимга бўлган ихлосинини сўндиради. Муаммо нафақат ижтимоий, балки иқтисодий салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Чунки бу ерда бир инсоннинг оиласидан, турмушидан орқатириб, иқтисод қилиб, фарзандига сарфлаган маблағи, вақти, умри ва унинг келажак-тақдирини етибди.

Видеоселекторда қўйилган масаланинг моҳиятида нафақат инсон ресурсларини ривожлантириш, балки инсон қадрини ошириш ва унинг ёруғ истиқболли ҳаётини бугундан яратиш кўзланган, десак муболага бўлмайди. Шу сабабли, ОТМлар бугундан ўз олдига таълим сифатини ошириш учун давлат томонидан белгилаб берилган халқаро стандартлар асосида фаолиятини қайта кўриб чиқишни ва аниқ йўналишни қўймас экан, талабалар учун ҳам, муассаса учун ҳам, жамият ва давлат учун ҳам катта маънавий-моддий йўқотишлар ва обрўсизланишни олиб келаверади.

Дарвоқе, булар таълим сифатини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий томонлари

бўлса, иккинчи тарафи тадқиқот ва инновациялар ҳажмини ошириш унинг ечимидир. Глобаллашув шароитида сифатли таълим тараққиётимизнинг асосий роли бўлиб, шахс ва бутун жамият фаровонлиги йўлида олий таълим муассасалари таълим сифатини нафақат ошириш, балки изчил ривожлантиришга масъулдир.

Муаммонинг илмий ечимлари нималардан иборат?

Мамлакатимизда халқчил ислохотлар оқибатида ўтган даврда жамият маъмурий бошқарувдан ижтимоий бошқарувга ўтди. Аввал давлат эмас, олдин жамият, кейин давлат принципи жорий қилинди. Раҳбарлар кабинетдан қўйига, яъни халқ ичига тушиб борди. Айниқса, таълим тизимида революцион тарихий бурилишлар юз берди. Асрий турғунликка айланган ўқитувчиларни пахтага ва бошқа мажбурий меҳнатга жалб қилишга сўзсиз чек қўйилди. Президент ишонч телефонлари жорий қилинди. Ўқишга ҳужжат топшириш деярли рақамлаштиришга ўтказилди, фуқароларга қулайлик яратилди — инсон омили камайтирилди. Натижада коррупцион ҳолатлар қарийб йўқолди.

Инсон қадри тамойили асосидаги прагматик ислохотларда таълимга давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралиб, мактабгача таълим бўйича қамров даражаси 2016 йилда 27 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 74 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга, олийгоҳларимиз сони 77 тадан 212 тага етди. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида давлат боғчалари қуввати яна 10 минг ўринга, хусусий боғчаларда 50 минг ўринга ошириш белгилаб берилган.

Шиддатли замон билан ҳамнафас юрмасак, бугунги ютуқлар эртага эскириб қолади. Кейинги етти йилда таълимга ажратилган 6 триллион маблағга нисбатан самара кескин камлиги очик баҳоланди. Янги Ўзбекистон феноменида амалга оширилаётган улкан ислохотлар самараси ўлароқ олий таълимдаги трансформация жараёни, сармоялар ва моддий-техник база анча юқори салоҳиятга эга. Харажатга яраша шиддатли таълим ислохотларини амалга ошириш учун видеоселекторда давлатимиз раҳбари қўйган ҳаққоний талаблардан келиб чиқиб, олий таълим сифатини ошириш учун қуйидаги стратегияларни илмий асосланган ҳолда татбиқ қилиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, ўқув дастурларини вақти-вақти билан соҳанинг ҳозирги талабалари асосида қайта кўриб чиқиш ва янгиллаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бундай долзарб мақсадга эришиш учун фанларро ёндашувлар, амалий иловалар ва тажрибавий ўрганиш имкониятларини бирлаштириш лозим. Амалий иловалар талабаларга реал ўлиҳаларда ишлаш ва амалиёт ўташ имкониятини бериш орқали ўқув дастурига киритилишини таъминлаш, амалий шароитда қандай қўллаш тажрибаларини интеграциялаштириш керак бўлади.

Иккинчидан, академик мукамалликка эришиш, бунинг учун қўшма дастурларни янада кенгайтириш, ривожлантириш орқали юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ва тажрибаларини рағбатлантирган ҳолда сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Юқори малакали профессор-ўқитувчилар ўз соҳасида тажрибага эга ҳамда олий таълим муассасасининг академик ва тадқиқот салоҳиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. ОТМларга юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш учун муассаса рақобатбардosh иш ҳақи ва бошқа имтиёзларни тақлиф қилиши зарур. ОТМлар ва профессор-ўқитувчиларга илмий тадқиқот билан шуғулланиш, маҳаллий ва халқаро конференцияларда, малака ошириш дастурларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш лозим. Касбий ривожланиш дастурлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқитувчилик маҳоратини, тадқиқот қобилиятини ва педагогик ёндашувларини янада бойитишнинг ажойиб усулларини тадқиқ қилиш, уларнинг малака-

сини оширишга сармоя киритиш орқали муассаса узлуқсиз тадқиқотлар жорий қилиши ҳамда соҳани тақомиллаштириши самаралидир.

Учинчидан, олий таълим муассасасида тадқиқот ва инновациялар салоҳиятини юксалтириш, илмий фаолият учун ресурслар ажратиш, тақлилга ихтисослашган илмий марказлар ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни илмий лойиҳалар билан шуғулланишга рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан тадқиқ қилинган ва амалиётга жорий этилган илмий тадқиқотнинг мукамаллигини эътироф этиш ва муқофотлаш тадқиқот истиқболчилигини тарғиб қилишнинг муҳим жиҳати-дир. Бу тадқиқотчиларни ўз ишини давом эттиришга ва билиминини бойитишга ундайди.

Тўртинчидан, таълимдаги мавжуд муаммони фаол ўрганиш, муаммони ечиш ва креатив фикрлашни рағбатлантириш талабаларда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантиришда асосий мақсадга эришишни самарали усулларидан бири сифатида қўлланилмоқда. Таълим ва фанга бундай инновацион ёндашувлар талабаларнинг фаолигини ошириш ва уларга йўналтирилган ёндашуви осонлаштириш учун биздан технологик ва интер-фаол усуллардан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Бешинчидан, талабаларнинг муваффақиятини рағбатлантириш учун инсон қадри тамойили асосида таълимнинг ижтимоий ҳаётидаги турли эҳтиёжларини таъминлайдиган кенг қамровли ижтимоий ёрдам хизматларини тақдим қилиш талаб этилади. Хусусан, академик маслаҳатлар, психологик тренинглар, “Устоз-шогирд” аънаъасини жонлантириб, касбга йўналтириш ва мураббийлик қилиш — ўқувчи ва талабани бу каби қўллаб-қувватлаш хизматлари марказлашган ҳолда тахлил этилиши самара беради. Ушбу хизматларни тақлиф қилиш орқали талабалар ва олий таълим муаммоларини ҳал этиш, академик мақсадларга осон эришиш мумкин.

Олтинчидан, кредит модуль тизимини янада ривожлантириш, рақамлаштиришдан кенг фойдаланган ҳолда халқаро ҳамкорлар билан жадал интеграциялаштириш, талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашинувини кенгайтириш, ўқувчи инсон омилсиз баҳолаш механизмлари ёрдамида натижаларни аниқлаш ва доимий тақомиллаштириш долзарбдир.

Еттинчидан, таълимга оид адабиётлар электрон платформалар орқали ўқилишини мониторинг қилиш, энг кўп ўқилган илмий адабиётларни ва уларнинг муаллифлари рўйхатини шакллантириш, илмий кенгаш

ташкил қилиш ва давлат томонидан тушади-нан буюртмаларни (ўқув қўланмалар, монографиялар, дарсликлар) жамоавий муаллифларга ёздириш, уларга муносиб қалам ҳақи тўлаш, бу орқали сифатли адабиётларни марказлашган тартибда чоп этиш таълим сифатини оширишнинг асосий таъминот манбалари бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон таълими бугун ва олис келажак учун хизмат қилиши шарт

Бугун таълим соҳасини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, халқро қўшма

“Умид билан қадалган таёқ — бир кун берар меваю япроқ”, деган эди немис мутафаккири Гёте. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан таълимга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб берилаётган устувор эътибор ана шу олтин харфли мисраларни эслатади.

дастурларни янада интеграциялаштириш бўйича амалий ишлар ҳаётга кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, амалий ислохотларда мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, олий таълим ва ундан кейинги таълимни ўзаро уйғунлаштириш белгилаб олинди. Чунки олий таълим мактабгача ва мактаб таълимидан айро тушунчалар эмас, балки узвийликка эга яхлит битта жараён-дир. Ўз навбатида, оила ва жамият ҳам таълим-тарбиянинг ўчоғи саналади. Шу босис, давлат томонидан кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби тамо-йиллар беш мақсад этиб белгиланган.

Яхши билимизни, ривожланган давлатлар тарихига назар солсак, инқироздан кейин янада йўл — таълимни ислоҳ қилиш орқали тараққиётга эришган. Масалан, совуқ урушдан кейин Япония, Корея, Сингапур ва бошқа тараққий этган давлатлар босиб ўтган йўл ваалида ўқитувчилар қадрини ошириш, уларнинг маошини вазир ойлгига тенглаштириш, имтиёзлар бериш орқали яхши педагог-ўқитувчиларни таълим муассасаларида сақлаб қолган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилар экан, 2030 йилгача таълим сифатини ошириш, ўқитувчи мақомини кўтариш ва улар ойлгини икки баробар ошириш вазифалари қўйилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади қаерда истиқомат қилишдан қатъи назар, Ўзбекистонда яшовчи барча инсонлар учун муносиб турмуш шароити яратишни ва таълим сифатини оширишни кўзлайди. Стратегиянинг мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари қулай шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилди.

Хусусан, олий таълим ва илм-фан тизимларини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш мақсадида дунёдаги ТОП-500 га қирадиган хорижий ОТМлар ҳамкорлигига қамида 50 та қўшма ўқув дастури ва “икки диплолли тизим”ни (“double degree”) жорий этиш белгиланган.

АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия, Финляндия, Нидерландия, Туркия, Россия, Индонезия, Исроил ва бошқа қатор давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги “double degree” таълим дастурлари асосида ўқитиш қамровини кенгайтириш таълим-фан соҳасидаги ислохотларда ўз аксини топмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётга хизмат қилувчи зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш-ни йўлга қўйиш ва таълим сифатини оши-ришга йўл очади.

Хусусан, 2030 йилгача биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори техноло-гик йўналишларда истеъдодли ёшларни хо-рижий нуфузли олийгоҳларга давлат ҳоми-лигида ўқишга юбориш бўйича 200 миллион АҚШ долларлик дастурлар ҳаётимизга жорий қилинади. Ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг рақобатбардорлигини ошириш баробарида таълим ва фан сифатини юксалтиришга хизмат қи-лади.

“Ўзбекистон — 2030” страте-гияси доирасида давлат томони-дан илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга 1 миллиард АҚШ доллари ажратилиши рақамлаштириш ва инновация-лар соҳасининг янада ривожла-нишига, нафақат таълим сифати ошиши, балки аҳоли турмуш ша-роити юксалишига, стретгик соҳа-ларнинг технологик тараққий эти-шига хизмат қилади.

Келгуси 6 йилда юртимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи мажмур стратегия лойиҳаси халқи-мизнинг тинч-осойишта, фаровон яшашини таъминлаш, ёшларга, ҳар бир фуқарога ўз са-лоҳиятини ривожлантириш учун кенг имко-ниятлар тақдим этади.

Ечимини кутаётган муаммолар келажак тақдиримиз билан боғлиқ

“Умид билан қадалган таёқ — бир кун бе-рар меваю япроқ”, деган эди немис мутафак-кири Гёте. Бугун давлатимиз раҳбари томо-нидан таълимга мактабгача таълим муассаса-сидан бошлаб берилаётган устувор эътибор ана шу олтин харфли мисраларни эслатади.

Бунн, қалбдан англамаск, бугунги ислохот-лар келажак учун ҳам нечоғлиқ долзарблиги-дан далолат. Афсуски, бориш қийин бўлган чекка овул ва қишлоқларда халигача макта-бгача таълим муассасалари йўқлиги таъкид-ланиб, баъзи чекка ҳудудларда богча етарли бўлишига қарамай, қамрови ўтган йилга нисбатан бир оз камайгани бор ҳақиқат. Шу-нингдек, хусусий богчаларда болалар ҳисо-бини юритиш рақамлаштирилса-да, қамров камлиги, давлат богчаларида рақамлашти-риш қонқиради эмаслиги ишлашимиз керак-лигини билдиради.

Йигилишда ҳар йили богча тарбиячилари-нинг ўртача атиги 9 фоизи малака ошираётган-ни, 12 мингта оилавий богчада давлат таълим стандартидаги ўқув-методик материаллар етарли эмаслиги, 250 та давлат богчасида таълим ва тарбия сифатини халқро стан-дартлар асосида баҳолаш тизимини жорий қилиш белгилаб берилди. Жорий йилда мактаблар ва мактаб таълимига 46 триллион сўм-дан зиёд маблағ ажратиш режалаштирилиб, математика, ўқиш ва табиий фанлар бўйича ўтказилган 2022 йилги PISA халқаро дастури натижалари соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўпчилигини аниқ кўрсатади.

Хусусан, 500 та мактабда янги баҳолаш тизими жорий қилиниб, ҳақиқий билим қай даражада экани аниқлангани, айни пайтда 1-11-синфларда хорижий тилга ажратилган 984 соат доирасида ўқувчиларнинг ярми ҳам

“В1” даражага эга бўла олмаётгани бевоСИта тилга ихтисослашган олий таълим муассасалари олдига жиддий мажбуриятлар қўяди. Янгича ишлаш тамойили асосида малака ошириш институтлари билан ҳамкорликда ишлаш зарур.

Давлатимиз раҳбари йигилишда Респу-блика илмий-методик маркази ва Лойиҳа офи-си тегишли вазирликлар билан биргаликда бундан кейин чуқур илмий алоқаларни йўл-га қўйиш мақсадга мувофиқлигини илгари сурди. Шунингдек, мактабларда математика, физика, кимё, биология фанларини сифатли ўқитиш, хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартлар асоси-да янгиллаш вазифаси қайд этилди. Ўқувчи-лар билими, тахлили, танқидий ва креатив фикрлаши, муаммога ечим топиб, амали-ётда қўллаи олиш кўникмасини шакллан-тиришга қаратилган ўқув методикаларини ишлаб чиқиш вазифалари топширилди. Бун-да тан олинган хорижий дастурлар (A-level, IB каби), ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқро тажриба (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилиши са-маралидир.

Халқчил тилда материаллар тайёрлани-ши, профессионал ва олий таълимдаги ма-салалар ҳам муҳокама қилинди. Ўтган йилги 380 минг мактаб битирувчисидан 180 минги таълимни коллеж, техникум ёки олийгоҳда давом эттираётгани қайд этилди. Қолган 200 минг нафари меҳнат бозорига кириб келаёт-гани, дуал таълим билан 234 та профтаълим муассасасида барча ўқувчилар қамраб оли-магани танқидий кўриб чиқилди.

Ечим сифатида вазирликлар ўзига тегиш-ли коллеж ва техникумларда ўрта бўгин кадр-ларини тайёрлаш тизимли ишга қўйилиши, улардаги қуввати 100 фonz ишлатилиши ке-раклиги ҳамкорлигимизни кучайтириш дол-зарблигини кўрсатади.

Кўп олийгоҳлар кредит-модулга ўтгани, лексин талабанинг қобилиятини юзага чиқара-диган тизим йўқлиги ҳам изоҳланди. Таълим сифатини ошириш бўйича жорий йилда 122 та янги йирик лойиҳалар бошланиши, олий-гоҳларда бундай мутахассисларни тайёрлаш 20 фonzдан ошмаётгани инновацион техно-логияларни бошқарадиган 10 минг муҳандис ва технолог кадрларни етиштиришни талаб этиши вазифа сифатида ургуланди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кол-леж-техникумлар ва олийгоҳларни иш берув-чилар билан узвий боғлайдиган тизим ярати-лиши, жумладан, Лойиҳа офиси Олий таъ-лим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2024 йилда ўзимизда замонавий конструктор, технолог, архитектор, муҳандис, энергетик каби эҳтиёж юқори касблар бўйи-ча мутахассислар тайёрлаш чора-тадбирлари самарали амалга оширилиши зарурлигини таъкидланди.

Эндиликда 100 та касб танланиб, Герма-ния, Швейцария ва Буюк Британия тажрибаси асосида касб стандартларини ишлаб чиқиш, касбга талаб иш берувчи эҳтиёжга мослаша-ди. Иш берувчиларнинг вақилари таълим му-ассасасида жойлашиши учун жуда катта имко-ният яратилади. Улар билан ҳар бир олийгоҳ, техникум ва коллежда технопарк, лаборатория ва амалий мономаказлар ташкил этилади. Талабалар амалиётни ташкил этилаётган янги корхоналарда кўпроқ ўтказсади. Янги ўқув йи-лидан бошлаб техникумларда ўқитиш “ака-демик” ва “ишчи касб” таълим компонентла-рининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилади. Техникум-ларда ҳам “кредит тизими” жорий қилиниб, коллеж-техникумда икки йил давомида етарли “кредит” тўплаган ўқувчилар “2+2” ёки “2+3” дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсида таълимнинг давом эти-тириш имкониятига эга бўлади.

Яна бир муҳим вазифа, коллеж-техник-кумда “ишчи касб” йўналишида ўқиганлар икки ёки уч йил ишлаб, тажриба орттир-гандан кейин, имтиҳон топшириб, бакалаврга тенг малака даражасини олишини ташкил этишдир. Шунингдек, коллеж-техникумдаги 50 минг ўқувчини дуал таълим билан қамраб олишни ташкил қилиш ишқобилидир.

Олий таълим, фан ва инновациялар ва-зирлиги бакалавр йўналишларини йирик-лаштириш ҳисобига улар сонини 40 фоизга қисқартириш, ушбу йўналишлардаги таълим дастурларини ТОП-300 га қирган олийгоҳлар дастури асосида янгиллаш лозим. Аниқ ва фундаментал фанлар бўйича илғор дарслик-ларни хорижий тиллардан босқичма-босқич таржима қилиш, Олий таълим, фан ва ин-новациялар вазирлиги 116 та олийгоҳни ўр-ганиб, уларни йириклаштириш дастурини ишлаб чиқиш, уларга “миллий”, “давлат” университети, академия ёки институт мақо-мини беришнинг аниқ дастурларини белги-лаб олди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим сифати-ни ошириш бўйича берилган юқоридаги ул-кан дастурлар ижросини жадал таъминлаш, олий таълим муассасаларида жорий қилиш учун комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси бўйича мониторинг олиб бориш қатъий йўлимиз бўлади.

Зеро, 2030 йилгача қўзланган мақсадлар-ни юзимиз ёруғ ҳолда амалга ошириб бориш Ватан олдидаги муқаддас бурчимиз ва дав-латимиз раҳбари билдирган юксак ишончни оқлаш мажбуриятидир.



Шарҳ

КУЧЛИ КЕНГАШ, ҲИСОБДОР ВА ТАШАББУСКОР ҲОКИМ



Наримон УМАРОВ,
*Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан Халқ депутатлари кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга ўндан ортиқ қўшимча ваколат берилди. Хусусан, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ, экология ва соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгиланган.

Конституцияда Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари сифатида “маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатлари билан маҳаллий ҳокимиятнинг асосий қўмитаси” ҳам белгиланди.

Умуман олганда, охириги йилларда биз Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Бу каби ишларнинг самарали ташкил этилишида Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, уларга амалий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш маҳаллий ваколатли органлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, депутатларга услубий жиҳатдан кўмаклашиш ишлари ташкил этилди. Маҳаллий кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи котиблар ташкил этилиши кенгашлар ишида узлуксизлигини таъминлади, десак муволаб бўлмайди.

Сенат қўмиталари билан ҳамкорлик учун қулайлик яратиш мақсадида маҳаллий

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

кенгашларнинг доимий комиссиялари фаолияти тубдан қайта қўриб чиқилди. Уларнинг намунавий низомини қайта ишланди. Таркиби ва фаолият йўналишлари Сенат қўмиталариникига мослаштирилди.

Масалаларни ҳамкорликда ўрганиш ва натижаларини жойларда муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди. Сенат қўмиталари томонидан соҳа бўйича қўнунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар тўғрисида ҳар чоракда камида бир маротаба семинарлар ташкил этиш амалиётига ўтилди.

Конституциямизга мувофиқ, давлат ҳокимиятини халққа янада яқинлаштириш, халқ ҳокимиятчилигини асосларини кучайтириш мақсадида ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари бир-бирдан ажратилди. Аҳолининг жойлардаги долзарб муаммоларини ҳал этиш учун чинакам “халқ овози” бўлиши маҳаллий кенгашларга кенг ваколатлар берилди, уларга ҳоким эмас, балки депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши белгиланган.

Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилиш, том маънода халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислохотларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Фармон билан Ўзбекистон маҳаллий бошқаруви тарихида биринчи мартаба маҳаллий давлат қўмиталари органлари фаолиятини янги модел — “**Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким**” тамойили асосида ишлов қилишга қаратилган қатор қоидалар белгиланган.

Биринчидан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фикрини инобатга олиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатли органлари ролини ошириш мақсадида таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик, транспорт ва ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 33 та ваколат кенгашлар ихтиёрига ўтказилмоқда.

Жумладан, **таълим соҳасида:** тегишли ҳудудда давлат ботча ва мактабларини ташкил этиш бўйича қарор айнама маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинади.

Эндиликда ҳудуддаги эҳтиёжни ҳар томонлама ўрганган ҳолда қайси ҳудудда, маҳаллада янги мактаб ёки боғча ташкил этиш керак, қайси бирини кенгайтириш, қайсисини тутатиш кераклигини аҳоли иродасининг кўзгуи бўлиши халқ вакиллари ҳал этади.

Конституцияда
Олий Мажлис
Сенатининг мутлақ
ваколатлари сифатида
“маҳаллий давлат
ҳокимияти ваколатли
органларига ўз фаолиятини
амалга оширишда
кўмаклашиш” ҳам
белгиланди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида: атмосфера ҳавосини инфослантирувчи ёки унга бевосита таъсир кўрсатувчи корхона ва ишшоотлар қуриладиган, чиқиндилар кўмиб ташланадиган жойлар халқ вакиллари розилиги билан белгиланади.

Маҳаллий аҳамиятта молик бўлган курорт табиий ҳудудлар, рекреация зоналари, ботаника ва дендрология, табиат ботқори ҳам фақатгина кенгашлар розилиги билан ташкил этилади ёки тугатилмади.

Яъни бу борадаги қарорлар тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан сайланган депутатлар фикрини инобатга олган ҳолда коллегиял тартибда қабул қилинади.

Мазкур ислохот, шубҳасиз, умуммиллий бойлигимиз — табиий ресурсларни асрашга хизмат қилади.

Шаҳарсозлик ва транспорт соҳасида: йўловчи ташиш транспортда йўловчи ва багаж ташиш тарифлари маҳаллий кенгашлар



томонидан белгиланади. Фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар кенгаш қарори билан жорий этилади.

Шунингдек, шаҳар йўловчи ташиш транспортда йўналишларини ташкил этиш, янги йўналишлар очиб, бекатлар, тўхтаб туриш ва диспетчерлик манзилларини жойлаштириш ерлари маҳаллий кенгаш билан келишилиши лозимлиги белгиланмоқда.

Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси ҳамда табиий объектларга ном бериш, номларини ўзгартириш бўйича тақлифлар бевосита маҳаллий кенгашлар томонидан қилинади.

Бундан ташқари, айрим тоифадаги шаҳарсозлик фаолияти объектларини маҳаллий аҳамиятта молик объектлар сирасига киритиш ҳам маҳаллий кенгашлар қарори билан амалга оширилади.

Ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида:

аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари тоифаларига маҳаллий шартонлардан келиб чиқиб ўзгартириш киритиш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлаш қарори ҳам кенгашлар томонидан амалга оширилиши узил-кесил ҳал этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби ваколатларнинг эгаси этиб маҳаллий кенгашлар белгиланиши жамият ҳаёти учун муҳим бўлган масалаларни аҳоли фикрини инобатга олган

ҳолда халқ вакиллари томонидан ҳал қилиш имконини беради.

Иккинчидан, йиллар давомида маҳаллий кенгашлар зиммасига юкляниб келинган қатор ваколат ва функциялар тизимлаштирилмоқда.

Хусусан, маҳаллий кенгашларга маҳаллий ҳокимликлар, ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳисоботларини эшитишда мазмунан яқин соҳаларда ўзаро тақдорланувчи вазишлар юкляниши сабабли уларни қайта қўриб чиқиш, мақбуллаштириш ҳамда тизимлаштириш зарурати мавжуд эди.

Қўнунчиликдаги ваколатлари тизимлаштирилмагани туфайли маҳаллий кенгашлар ҳокимликлар ва қатор давлат идораларининг у ёки бу соҳага оид ҳисобот ва ахборотларини йилгига қарийб юздан ортиқ маротаба эшитиш лозим эди. Бу эса маҳаллий кенгашларнинг иш юклямасини сунъий равишда ошириб, жойларда ҳаддан ташқари тартибга солиш, муҳим ваколатлар номини асосида амалга оширилишига сабаб бўлаётганди.

Қолаверса, ички ишлар органлари ҳудудий бўлиналари раҳбарлари, тармоқ бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллалардаги профилактика инспекторлари ҳам маҳаллий кенгашларга алоҳида-алоҳида ҳисобот берадди.

Шу сабабли ҳужжат билан кенгашларнинг ҳисобот ва ахборот эшитишга оид айрим ваколатлари қайта қўриб чиқилиб, улар соҳалар бўйича тизимлаштирилди.

Фармон билан кенгашлар олдига тегишли ҳудудда фақатгина ҳоким, шунингдек, ҳудудий давлат органларининг биринчи раҳбарлари ҳисобдорлиги белгиланиши келгусида ушбу раҳбарларнинг кенгаш олдига ҳам сиёсий, ҳам профессионал масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида қўнунчилик ҳужжатларидаги 100 дан ортиқ ваколатни маҳаллий кенгаш ва ижроия ҳокимияти ўртасида аниқ тақсимлаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилади.

Конституциявий ислохотлар натижасида 2024 йилги сайлов якунлари бўйича дастлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида, 2026 йилдан эътиборан туман (шаҳар) кенгашларида кенгаш раислари ва ҳокимлар алоҳида-алоҳида фаолият юритиши белгиланди.

Мазкур ўзгаришлар сабаб амалдаги қўнунчилик билан бутунга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклятилган умумий вазифа ва функцияларнинг маҳаллий ваколатли органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ тақсимланиши белгиланмоқда.

Тўртинчидан, кенгашларнинг ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга ошириши кафолатланмоқда.

Хусусан, эндиликда маҳаллий кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қўнун ҳужжатлари билан юкланади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий кенгашлар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда тегишли вазифалар маҳаллий ваколатли органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгиланган бўлади. Шунингдек, амалдаги қўнунчиликдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклятилган ва кенгашлар фаолиятига хос бўлмаган вазифалар ижроси бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маъсул эканлиги белгиланмоқда.

Ушбу янгиликлар, шубҳасиз, маҳаллий кенгашларнинг фаолиятини фақатгина сайловчилари ва тегишли ҳудуд манфаатини кўзлаган ҳолда амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, самарали фаолият юритиши учун кенгашлар зарур шарт-шаронлар ва моддий-техника билан таъминланади. Хусусан, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) кенгашларини алоҳида-алоҳида био билан таъминлаш бўйича зарур чоралар қўйилди. Бунда 2024 йилнинг 1 октябрга қадар бўлган биринчи босқичда вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари, иккинчи босқич — 2025 йил 1 декабрга қадар эса туман ва шаҳар кенгашлари био ва ишшоотлар билан таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, фармонда белгиланган бу каби муҳим вазифалар кенгашларни жойлардаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга имкон қадар тезроқ ечим топиш, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятининг маҳаллий кенгашлар олдигаги ҳисобдорлиги, масъулияти ва жавабгарлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти даражасида бир-бирини тийиб турувчи механизмлар самарали ишлашига хизмат қилади.

етказишни режалаштирганмиз. Натижада ички бозор учун кен турдаги модель ва брендлар жорий қилинади. Бу, ўз навбатида, ички бозордаги автомобилларга бўлган талабни ҳам қондиради. Бундан ташқари, заводимиз негизда илмий-тадқиқот марказини ташкил этилди. Бу борада Жанубий Корея ва Хитойдаги тадқиқот ҳамда лойиҳалаш марказлари билан ҳамкорлик шартномаларини тўзди. Жорий йилдан бошлаб 300 дан ортиқ муҳандис ва лойиҳачиларимиз шундай ўқув курсларида малака оширади. Ушбу ёшлар келажакда “ADM” глобал илмий-тадқиқот марказининг таянчи бўлиб қолади. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, заводимизнинг истиқболдаги барқарор ривожланишини кафолатлайди.

“Jizzax Auto” Жиззахда ташкил этилган иккинчи автомобил заводи ҳисобланади. Бу ерда яқингача “Volkswagen” автомобиллари ишлаб чиқарилаётган эди. Айниқса, ушбу завод билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлиги яқини самара берди. Мазкур заводида ишлаб чиқарилган қарийб 1000 та замонавий “Volkswagen Caddy” тез тиббий ёрдам автомашинаси Республика тез тиббий ёрдам маркази ҳудудий филиалларига топширилди.

“BYD Uzbekistan Factory” заводи эса айнан “Jizzax Auto” заводи негизда ташкил этилди. Мазкур заводида дастлаб йилгига 50 минг, лойиҳа тўлиқ ишга тушган эса 300 минг дано гибрид ва электр автомобиллар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, келишув шартлари маҳсулотларини маҳаллийлаштириш дастурини ҳам ўз ичига олади. Яъни кейинги босқичларда двигателлар, электродвигателлар, шунингдек, автомобиль аккумуляторлари учун батареялар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ҳозиргача бу турдаги замонавий ва тежамкор электромобиллар ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётганини инобатга олсак, биздаги истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз улкан марраларини кўзлаётганидан далалат беради.

Хурсанд қиладиган томони, фуқароларимизнинг ҳам электромобилларга қизиқиши ортмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда 2018 йили бор-йўғи 13 та, 2019 йили 39 та, 2022 йил 1629 та электромобиль импорт қилинган бўлса, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизга қарийб йигирма олти мингта шундай машина келтирилган.

Агар давлат томонидан аҳолига электромобиллар харид қилишда имтиёзлар берилса ёки уларнинг нархи ҳамёнбон бўлса, жорий йилда мамлакатимиздаги электромобиллар бир неча баробар кўпайиши аниқ. Бу, ўз навбатида, нефть ва газ каби ер ости бойликлар тежаллишига, экологик ва энергетик инқирознинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар самараси

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев электромобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти билан танишди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, юртимизда автомобилсозлик бўйича катта тажриба ва инфратузилма мавжуд. Бугунги кунда 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, йўловчи ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Яна 2 мингдан зиёд корхонада кооперация асосида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрланапти.

Ўтган йили декабрда бўлган йиғилишда давлатимиз раҳбари электромобиллар ҳаётимизга тез кириб келаётганини таъкидлаб, бу соҳани ўзлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. Жорий йил январда Хитойга давлат таширини чоғида Президентимиз “BYD” компаниясининг бош қароргоҳида бўлди. Ушбу компания билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида гибрид ва

ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ТАРМОҒИ
Миллий автосаноатимизда
янги давр бошланмоқда

электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳа бошланди. Компания раҳбари билан музокара чоғида яқин истиқболда ишлаб чиқариш қувватини йилгига 500 минг донагача етказиш бўйича фикр алмашилган эди.

Кейинги уч йилда Ўзбекистонда электромобиллар сотуви 10 баробар кўпайган. 2023 йилда импорт қилинган автомобилларнинг 35 фоизини электромобиль ва гибридлар ташкил қилган.

Шу боис, мутасаддиларга бу йўналишдаги марраларни кенгрок олиб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. “BYD” компанияси ҳамкорларини жалб қилиб, электромобиллар учун бутловчи қисмларни ўзлаштириш заруриги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бундан беш-олти йил олдин мамлакатимиз автомобилсозлиги ҳақида гап кетса, фақат Аскаа автомобиль заводи тушунилар эди. Бугун эса амалга оширилаётган ислохотлар сабаб, автомобилсозлик sanoati миллий иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бирига айланди.

Жиззах вилояти замонавий sanoat ҳудудларидан бирига айланмоқда. Бунни ўнлаб йирик лойиҳалар туфайли дунёга машҳур брендлар номи билан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганидан ҳам билса бўлади.

— Олдинлари Жиззах деса, фақат пахта далалари кўз олдимизга келарди. Бугун эса қисқа муддатда sanoati ривожланган ҳудудга айланди, — дейди фахрий журналист



Абдукарим Шарипов. — Айни пайтда вилоятда тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари, оптик тола, автомобиль, мураккаб қимёвий моддалар, энерготежамкор материаллар каби юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспорт қилинмоқда. Қолган соҳаларни қўй турайлик, вилоятда автомобилсозлик sanoatининг йўлга қўйилгани катта тарихий воқеа бўлди. Жиззахда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам ўз ўрнини топишига шубҳа йўқ. Энг асосийси, ушбу заводлар ишга тушиши



билан қўлпаб ишсиз ёшларимиз юқори маошли доимий иш билан таъминланмоқда. Жумладан, неварам ҳам “ADM Jizzakh” автомобилсозлик заводига ишлайди. Ишини яхши кўради. Муҳими, oilасидан узоқда эмас. Йўлларда ушбу заводда ишлаб чиқарилаётган машиналарни кўрсам, хурсанд бўламан, ўзгача гуруҳ туюман.

2021 йилда Жиззах эркин иқтисодий зонасида “ADM Jizzakh” автомобилсозлик заводи ўз фаолиятини бошлади. Қарийб юз гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуада бир неча босқичдан iborat истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айни пайтда “KIA”, “Chery”

билан қўлпаб ишсиз ёшларимиз юқори маошли доимий иш билан таъминланмоқда. Жумладан, неварам ҳам “ADM Jizzakh” автомобилсозлик заводига ишлайди. Ишини яхши кўради. Муҳими, oilасидан узоқда эмас. Йўлларда ушбу заводда ишлаб чиқарилаётган машиналарни кўрсам, хурсанд бўламан, ўзгача гуруҳ туюман.

2021 йилда Жиззах эркин иқтисодий зонасида “ADM Jizzakh” автомобилсозлик заводи ўз фаолиятини бошлади. Қарийб юз гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуада бир неча босқичдан iborat истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айни пайтда “KIA”, “Chery”



Одамларни рози қилиш давлатимиз сиёсатининг таянч нуқтасидир. Президентимиз фаолиятининг дастлабки давридаёқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган олижаноб ғояни илгари сурган эди. Ўша пайтда бунинг аҳамиятини ҳамма ҳам бирдек чуқур тасаввур қилолмаган.

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ЧЕКЛАНМАГАН САЛОҲИЯТГА ЭГА КУЧ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖНИ ЎРГАНУВЧИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ КЕРАК



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори

Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда етакчи ўрин айнаган ёшларга тегишли. Шу сабабли жамият олдида ёшларда юксак инсонийлик, ватанпарварлик, Ватан тақдири учун жавобгарлик, уни ҳимоя қилишга шайлик туйғусини, юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифаси илгари сурилган. Мазкур вазифанинг ҳал этилишини жамиятимиз ва давлатимизда рўй бераётган жараёнлар ҳамда ҳодисалар билан беvosита боғлиқ равишда ҳозирги ёшларга таъсир кўрсатувчи барча омилларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш керак.

БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясида “Ёшлар гоят қимматли ва ўта аҳамиятли ресурс (бойлик) бўлиб, улар учун сарфланган маблағ бир неча баробар ортиғи билан ўзини оқлайди”, дея таъкидланган. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида дунё давлатлари фаол ва изчил эътибор қаратиши зарур бўлган асосий соҳалар (таълим, бандлик ва бошқалар) белгилаб қўйилган.

Бугун Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва институционал база мавжуд. Таълим, спорт, маданият соҳаларида қатор ислохотлар ўтказилди. Ёш авлод учун Президент таълим муассасалари очилди, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари сони кўпайтирилди, иш ўринлари ва яна қўллаб-имкониятлар яратилди. Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ёрдамга муҳтож ҳамда билим олиш ва малакага эга бўлиш истиғидаги ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, ҳал этиш ва мониторинг қилиб бориш учун маълумотлар базаси — “Ёшлар дафтари” жорий этилганини, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун жамғармалар очилганини таъкидлаш ўринли. “Беш ташаббус олимпиадаси” лойиҳаси доирасида 12 миллион йигит-қиз қамраб олинди. Маҳаллаларда лойиҳа голиблари ва совриндор ёшлар учун 623 та спорт майдончаси барпо этилди. 2023 йилда “Ёшлар дафтари” тизими орқали кўрсатилган ёрдам тури 30 тагача кўпайди. Муружаатларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунгача қисқарди.

Бош қонуниimizда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя, муносиб яшаш шароити, ижтимоий кафолатларнинг тегишли тизимини яратиш орқали ёшлар ҳаётини имкониятини аҳолининг бошқа гуруҳлари имконияти билан тенглаштириш назарда тутилган. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, ҳаётга тайёргилишини таъминлаш мақсадида фаолияти ёш авлоднинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган маҳаллий ҳокимият органларини, жамоат бирлашмалари ва бошқа

Давлатимизда амалга оширилган муҳим ислохотлар, аввало, ёшларга, уларнинг ҳаётини позицияларига, мақсад ва интилишларига, ижтимоий орзу-истакларига катта таъсир кўрсатди. Ҳозир мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган қатлам аҳолининг 60 фоизга яқинини ташкил этади. Мазкур улуш яқин ўн йилликда янада кўпаяди. Бу ёшларга оид пухта ўйланган давлат сиёсатининг долзарблигини янада оширади.

ташкilotларни қўллаб-қувватлаш Конституция асосида амалга оширилади.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунда мазкур сиёсатнинг мақсади, вазифалари, йўналишлари, мазмун-моҳияти ва шакллари комплекс тизимли асосда белгилаб қўйилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсати ёшлар соҳасида давлат томонидан амалга ошириладиган мақсадлар, вазифалар, функциялар, стратегиялар, чора-тадбирлар, шакллар ва усуллар мажмуини ўз ичига олади. Ушбу қонун соҳадаги давлат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб қўйди, ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини мустахкамлади. Очқиклик, шаффофлик, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уни амалга оширишда ёшларнинг ўзи иштирок этиши, маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги, шунингдек, ўғил-қизларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги унинг асосий принциплари этиб белгиланди.

Аввалги қонундан фарқли равишда янги қонун билан бутунги куннинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мазкур сиёсатнинг устувор йўналишлари мустахкамланди. Жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлаш учун давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар қабул қилиниши белгиланди. Ёшларга

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида парламентнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили институти ишлаб турибди. Унинг асосий вазифаси болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашдан иборат. Бош прокуратура таркибиде Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тузилди.

Бугун ёшларга оид давлат сиёсати доирасида қайси масалалар долзарб? Бизнингча, ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий ҳамда ташкилий механизмлари ва кафолатлари қонунийлик йўли билан мустахкамлаб қўйилиши керак. Конституцияимизнинг янги тахририда ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайдиган қатор принциплар ҳамда нормалар мавжуд. Лекин уларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, мукаммал ишлаб



оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда бу жараёнда иштирок этувчи органларнинг вазифалари ва ваколатлари, шунингдек, жавобгарлиги аниқлаштирилди. Фуқаролик жамияти институтларининг дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ижро этишдаги ролига оид ҳуқуқий механизмлар белгиланди.

2025 йилгача Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш концепцияси ва уни амалга оширишга доир “Йўл харитаси” тасдиқланди. Жисмоний соғлом ҳамда маънавий жиҳатдан баркамол йигит-қизларни тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларга жалб этиш концепциянинг устувор жиҳатлари сифатида белгиланди. Бунинг учун ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, шунингдек, ёшларга оид сиёсатни баҳолашнинг миллий индекси жорий этилди.

турувчи механизми бўлиши зарур. Бунга конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишнинг аниқ механизми ва тартиб-таомиллари, шарт-шароитлари ҳамда кафолатлари ёрдам бериши мумкин.

Ёшларга оид сиёсатни самарали амалга ошириш учун уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олувчи янгича ёндашувлар лозим. Мазкур сиёсатга доир вазифаларни биргаликда ҳал этиш усулини шундай ёндашувлар сирасига киритиш мумкин. Бу жараёнда йигит-қизлар натижаларни баҳолашда эксперт сифатида иштирок этади. Ёшларга оид сиёсатни йигит-қизларнинг бундай иштирокисиз самарали рўёбга чиқариб бўлмайди. Ўз навбатида, уюшмаган ёшлар билан ишлаш масалаларида алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, Тошкент давлат юридик университети томонидан амалга оширилаётган Street Law волонтерлик лойиҳаси доирасида талабалар интерактив усуллар ёрдамида мактаб ўқувчиларига кундалик турмушда зарур бўладиган ҳуқуқ асосларини ўргатмоқда.

Вояга етмаганлар билан ижтимоий-ҳуқуқий иш олиб борувчи кластерларни ташкил этиш мазкур йўналишдаги яна бир қадам бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. “Оила — маҳалла — мактаб — мустақил ҳаёт” тамойили бўйича фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш асосида тарбияси оғир ўсмирлар билан тизимли равишда ишларни ташкил этишнинг ушбу модели етарлича ижобий натижа бериши мумкин.

Ёшлар мамлакатимиз келажагидир. Айна улар истиқболда ҳаётини муҳим қарорларни қабул қилиши керак. Зеро, ёшлар жамиятдаги ижтимоий ривожланиш ва тараққиётга кўмаклашиш борасида чекланмаган салоҳиятга эга бўлган ижобий кучлардан биридир. Улар янгиларни тез ўзлаштириб олади. Шу сабабли Ўзбекистонда энди кўртка ёзаётган демократик қадриятлар айна ёшлар томонидан фаол равишда ўзлаштириб олинмоқда. Бу янги авлод раҳбарлари мамлакатни замонавий усуллар, нуқтаи назарлар ва қадриятлардан келиб чиққан ҳолда бошқаришга умид бағишлайди.

Нуқтаи назар



ДАДИЛ ОДИМЛАР катта мақсадларга эришишимизда асос бўлмоқда



Турсунбой ФАЙЗУЛАЕВ,
Наманган давлат университети профессори, сиёсий фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

2023 йил мазмун-моҳияти билан ватанимиз тарихида алоҳида из қолдирди, янги Ўзбекистон йили сифатида эсда қолди. Чунки ўтган йили юртимизда бўлган сиёсий воқеалар, жумладан, халқ билан бамаслаҳат тарзда янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилингани, мuddатидан илгари Президентлик сайловининг юксак уюшқоқлик, жипслик билан ўтказилгани, халқнинг оғирини енгил қилиш, турмушини янада

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, бошқа соҳалар қатори ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ҳам ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

яхшилаш борасидаги ишлар бундай дейишимизга тўла асос беради. Фақат бутгина эмас, жамият маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириш, ҳар бир ишни илм, ақл ва маърифат билан ҳал қилиш, одамларда миннатдорлик қайфиятини ошириш, аввал инсон манфаати, деган тамойил ҳаётимизнинг кундалик қоидаcига айланмоқда.

Одамларни рози қилиш давлатимиз сиёсатининг таянч нуқтасидир. Президентимиз фаолиятининг дастлабки давридаёқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган олижаноб ғояни илгари сурган эди. Ўша пайтда бунинг аҳамиятини ҳамма ҳам бирдек чуқур тасаввур қилолмаган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва сайёҳаракати билан вазиrлар, депутатлар сенаторлар, катта-кичик турли идоралар раҳбарлари халқ ичига киришни, дardини эшитишни, муаммоларига ўша жойнинг ўзида ечим топишни ўрганди. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманда тўрт сектор ташкил этилгани, Халқ қабулхоналари фаолияти, сайёр қабуллар ўтказиш йўлга қўйилгани, давлат хизматлари марказлари таъсис қилингани тез фурсатда амалий натижа бера бошлади, одамларда адолатга, давлатга ишонч пайдо бўлди.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётгани аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўз ибботини топтомоқда. Масалан, шу қисқа вақтда олдинги йилларга нисбатан беш-ўн баробар кўп уй-жой қурилди. Бў минглаб оилаларнинг ўз уйига,



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи йўналиши ҳар бир инсоннинг, хусусан, ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун шароит яратиш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига юз фоиз қамраб олиш, мактабларда янги дарслик ва ўқув қўлланмалардан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, устоз ва мураббийларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш, олий таълим муассасаларига академик мустақиллик бериш, таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилаш, истеъдодли талабаларнинг хориждаги нуфузли олийгоҳларда таълим олишига имконият яратиш кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Наманган вилоятига ташрифи чоғида шу ҳудуддан етишиб чиққан улуг алломалар, буюк ижодкорлар санъаткорлар номини тилга

олиб, улар қолдирган илмий, бадий меросини ёшларга ўргатиш бўйича қимматли маслаҳат ва тавсиялар беради. Шунга асосан, Алоуддин Абубакр Косоний, Исҳоқ-хонтура Ибратнинг маънавият, илм-маърифат йўлидаги хизматларини улуглаш, уларнинг номини абадийлаштириш борасида қатор ишлар бажарилди. Ушбу бой меросни ўрганиш натижалари маҳаллий матбуот ва телевидение орқали ёшларга етказилмоқда. Қадим тарихга эга Ахсикентни обод қилиш, бу ерда очик осмон остидаги музей ташкил этиш, вилоятнинг туризм салоҳиятини кучайтириш, кенг қўламли бунёдкорлик, обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистоннинг дадил қадамлари ҳақида фикр юритар эканмиз, халқимизнинг хоҳиш-иродасини, манфаатини ўзида тўла мужассам этаётган очик ва прагматик ташқи сиёсат ҳақида айтиш жоиз. Зотан, кейинги йилларда дунёдаги барча давлатлар, айниқса, яқин қўшнилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари яхшилангани ижобий натижалар бераётганини жаҳон жамоатчилиги алоҳида эътироф этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг яқинда Хитойга расмий ташрифи ҳам гоят самарали бўлди. Биргина олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар, жумладан, Наманган муҳандислик-технология ва муҳандислик-қурилиш институти билан Хитой ОТМлари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Мазкур келишувлар икки давлат ёшларининг билими ва тахрибасини ошириш, замон талабига мос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Бундай ҳамкорлик Наманган вилояти мисолида юқори даражага кўтарилганини кўриш мумкин. Ўзбекистон делегацияси таркибиде Хитойга бориб қайтган вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов ўша куннинг ўзида сектор раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, иқтисодиётга тегишли идоралар, тадбиркорлар вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Унда хориж инвестицияси салмоғини янада кўпайтириш, Хитой компаниялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Бундай халқпарвар сиёсат биз, зиёиларни илҳомлантириб, бутун халқимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Шундай экан, халқ ишонига муносиб салмоқли ишлар акс этган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифа ва мақсадлар мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилади.

JADIDLAR



MAHMUDHOJA Behbudiy

JADIDLAR



ABDULLA Qodiriy

“7-синф ўқувчисиман. Тўнғич фарзанд бўлганим боис, туман марказидаги бозорга кўп борардим. Бир куни ярим қоп сабзини орқалаб яна бозорга йўл олдим. Ўзимни катта одамлардек ҳис қилиб, сабзини пештахтага жойлар эканман, атрофдагилар билан сўрашган бўлдим. Шунда бир чол ёнимга келиб, “Ўғлим, жуда дадил йигит экансан, қайси қишлоқдасан?” деб сўраб қолди. Ўғилой энам доим қишлоғимизни ҳамма танийди, ўша машхур минг қўйли жалойир уруғиданмиз, дея кўп тайинлагани боис, “Жалойирданман”, дедим фахр билан. Шунда чол “Қаерда экан бундай қишлоқ?” деди хайрон бўлиб. Бу гап менга шунчалар таъсир қилдики, бозордан тўғри энамникига бордим-да, эшикдан кира солиб бор овозда алам билан гапира бошладим: “Энааа, энааа, нега ёлғон гапирардингиз? Қишлоғимизни ҳеч ким танимас экан-ку...”

Жалойирлик ТОҲИР кулол:

“ЮРТИМГА СОЗ ТУПРОҚ, УЙҒОҚ ҚАЛБ БИЛАН ҚЎШИЛСАМ ДЕЙМАН...”

Жадид боболаримиз сиймоси ва ўтли сўзларини тарихга муҳрлаётган музей-устахонага саёҳат

Гапларимни эшитган энам анча ўйланиб қолди. Кейин эса жилмайганича бошимни силаб, “Болам, агар қишлоғингни одамлар танишини, тан олишини истасанг, сен ўқишинг, зиёли бўлишинг, танилишинг керак. Бу ердаги одамларнинг кўплари деҳқончилик билан шугулланади. Уларни ҳамма ҳам танийвермайди-да”, деди. Шартта ўрнимдан турдим-да, “Мана кўрасиз, энажон, мен қишлоғимиз — Жалойирни бутун дунёга танитаман!”, дея югуриб кўчага чиқиб кетдим”.

Фаргона вилоятининг Риштон туманига кириб борар эканмиз, “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадиий академияси ва “Хунарманд” уюшмаси аъзоси Тоҳиржон Ҳайдаров айтиб берган ана шу болалик воқеаси эсимизга тушди. Бугун Тоҳир кулол музей-устахонасини излаб келаётган нафақат юртдошларимизнинг, балки хорижлик сайёҳларнинг-да кети узилмайди. Демак, 14 ёшли Тоҳиржоннинг орзуси амалга ошиб, Жалойир қишлоғини дунё танипти!

— Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, хуш келибсизлар, қадамларингизга ҳасанот! — дейди бизни кўрган уста кулол пешонасига боғланган оппоқ чит рўмолини қўлига олар экан, қувончдан юзлари ёришиб. — Сайёҳ-меҳмонларимизга ҳозиргина тандирдан чиққан янги ишимни кўрсатиб турган эдим. Нима десанглр денглар-у, оддий кулол бўлсам ҳам Президентимизнинг “Бу кимгадир ёқадими, йўқми, халқимиз жадид боболаримиз бошлаб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохандир”, деган сўзларини эшитганимдан буён ўзимни кўярга жой тополмадим. Негадир юрак-юрагимдан бир туйғу тошиб келаверди. Охири бўлмади, мен мана шу сўзларни игна билан сополга ўйиб ёздим. Токи халқни уйғоқликка, жасоратга чорлайдиган бу сўзлар мангу юрагимизга муҳрлансин, дедим.

Тўғриси, ортиқча илтифотни хуш кўрмайдиган жайдари ва чапани кулолдан бундай гапларни эшитиб, аввалига биз ҳам хайрон бўлдик. Кейин ҳовли юзига қатор қилиб терилган лаганлардаги жадид боболаримиз сиймолари ва уларнинг ўтли мисраларига кўзимиз тушар экан, кулолнинг ўзи таърифлаганидек, “Гўё танамизда чумоли ўрмалагандек бўлди”. Ўз-ўзидан бизнинг-да юрагимиз ўртана бошлади: “Нега, қачон ўз миллатимиз ўтмиши, келажаги ва бугуни билан боғлиқ сўзлар ва воқеликларга нисбатан



совуқонлик билан қарайдиган инсонларга айланиб улгурдик? Нега шу сўзларни ҳар куни эсга олмаймиз?”.

— Уста кулол Тоҳиржон Ҳайдаровнинг музей-устахонасига ўқувчиларини тез-тез олиб келаман, — дейди Қўқон шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувачиси Нигорахон Ҳасанова. — “Жадидлар” руқндаги янги ишларини телерам каналга жойлаштирганидан сўнг ўқувчиларим тезроқ бораёйлик, деб ҳоли жонимга қўймади. Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижодида бағишлаган дарсимишни мазкур уй-музейда очик ҳавода ўтказдик. Абдулла Қодирий, Маҳмудўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибраҳим, Усмон Носир, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний каби боболаримизнинг сопол лаганларга игна билан чизилган, миллатимиз эрки ва озодлиги борасида айтган сўзларини болалар кўллари билан ҳарфлар устига югуртириб ўзгача меҳр билан ўқишди. Ҳатто бир ўқувчим “Устоз, жадид боболаримизнинг сўзлари ёзилган лаганни бағримга боссам, қалбим ёришиб кетгандек бўляпти”, деганида кўзларимга ёш келди. Бизга шундай ажойиб муҳитни яратиб берган моҳир устадан жуда миннатдоримиз.

Музейга келган одам борки, қўлига лой олиб кулол дастгоҳини бир айлантириб кўргиси, ўз бармоқлари билан янги буюм яратгиси келади. Бу жараён, яъни кўз ўнгингда яралгувчи мўъжаз буюм қалбга ўзгача сеҳр ва ҳузур бағишлайди. Гўё томирларингда оқаётган қон тафти дастгоҳ чархалагида айланиб, ана шу яралимиш буюм ранглари ва шаклига сингиб кетаётгандек бўлади...

— Турмуш ўртоғим Марямхон билан кулоллик буюмларига жуда қизиқамиз, — дейди Эрондан келган сайёҳ Фарозд Ғаффорзода. — Ижтимоий тармоқ орқали Тоҳир кулол музей-устахонаси ҳақида ўқиганимизда, тўғриси, жуда ҳаяжонландик. Чунки бошқа юртларга борганимизда фақат музейларни томоша қилиш имконига эга бўлганмиз. Мазкур музей-устахонада эса жаннатга келиб қолгандекмиз. Тоҳир кулол ўз кўллари билан ўчоқда дамлаб берган паловнинг мазасини айтмайсизми... Биргаликда музейда истаганимизча қолишимиз, кулоллик буюмлари тайёрланишини ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкин экан. Ҳатто ўз кўллари билан кўзачалар ҳам ясадик. Мени таъсирлантирган яна бир воқеа шуки, Тоҳир ака нафақат кулол, балки шойтаббат инсон экан. 200 йиллик тарихга эга бўлган Қўқон аравани бизга сотинг десак, дунёдаги энг катта маблагини тортиқ этсангиз ҳам сотмайман, чунки бу арава аждодларимизга теглиши, дея она юрт ҳақида бир шеър ўқиди. Қанийди шундай ватанларвар ва миллатларвар инсонлар бу дунёда кўп бўлса...

Қаҳрамонимиз музей-устахона очиш таъшишига тушганида унга туман марказидан ер ажратмоқчи бўлишган. Шунда уста кулол музей учун жойини ўзи болалигидан ялангоёқ югуртиб ўсган, меҳнат қилган далаининг қоқ ўртасидан танлаган. Бу масканнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки,



деворлар оддий лойсувоқдан чиқарилган, ҳоло. Тоҳир ака ҳатто хоналар ва деразаларга ҳам ортиқча ҳеч қандай пардоз берилишига йўл қўймаган.

— Бир куни хориждан жуда бадавлат сайёҳ келди, — дейди жилмайганича Тоҳиржон Ҳайдаров. — Салобат билан “энг қимматбахо махсулотингизни айтган нархингизга сотволаман”, дегандай гап қилди. Мен музейимизда 3 та қимматбахо асарим борлигини, уларни ҳеч қандай бойликка алишмаслигини, бу асарлар миллатимизга, келажагимизга теглиши бойлик эканини айтдим, энаси қотгандек бўлди. Индамадим. Меҳмонни девор олдида чақирдим-да, мана бу лойсувоқ деворини кўряпсизми, дедим. Сиз билан мен ҳам бир куни шундай тупроққа айланамиз.

Шу боис, мен ҳар бир инсонни ўз ака-укамдек кўраман. Эзгу ният-ли инсонларнинг тупроғи ҳам тоза бўлади. Агар соз тупроқ бўлсангиз, сизни кулол санъат асарига айлантиради. Агар кулолга рўбарў келмасангиз, сизни сонмонга аралаштириб деворга урворишади, дедим. Гапларимни эшитган таржимон ҳам, ўша бойвачча ҳам нима демокчи бўлганимни англашди шекили, бир-данига жиддий тортиб, ранглари ўзгариб қолди. Бир оз сукут сақлаганидан сўнг иккаласи ҳам мени кучоқлаб, “Оғайни, раҳмат сизга ҳақиқатни гапирганингиз учун. Жуда оддий ва самимий инсон экансиз”, дейишди.

Қишин-ёзин одам аримайдиган музей кўлаб ижодкорларнинг ҳам сеvimли гўшаи. Янги шеър ёзган шоир ҳам, китобини нашр эттирган ёзувино муסיқий асар ёзган композитор ҳам Тоҳиржон акага дил ёргиси келиб қолди. Шу боис, музейда водий ижодкорларининг “Дилкаш давралар” деб номланган мушоира ва мунозара кечалари тез-тез ўтказилиши анъаналарга айланган. Бу гап ҳам қишқи мушоирага тайёргарлик қизгин кечмоқда.

— Аввалиги мушоирамиз куз фаслида музейдаги анорлар роса етилиб пийшган паллада бўлган эди, — дейди Учқўприк туманидан келган шоира Шодия Умрзода. — Табиатнинг ўзига хос манзараси ва ижодкор дўстларимизнинг ёниқ мисраларидан илҳомланиб, музей дафтарига янги шеър ёзиб қолдирган эдим. Мушоирамиз аввалида Тоҳиржон кулолнинг янги асарлари намойиши бўлиб ўтди. Ўша шеъримни уста кулол лаганга игна билан ёзибди. Жуда таъсирланиб кетдим. Бу ажойиб сопол лаганни онажонимга, ҳамкасбларим ва ўқувчиларимга кўрсатмоқчиман.

Ижодий кечада эътироф этилган ана бир янгилик шуки, Тоҳир кулол ҳақида даямат ўрг Илҳом Ўрмон “Кулол орзуси” номли янги драма ёзди. Иштирокчилар эътирофича, драмада бугунги ўзбек хунарманди юрагидан кечаётган ўйлар, изтироблар, орзулар ўзига хос талқинда ифодаланган.

— Дастлаб драма маҳонада эшитганимда оддий кулол ҳаёт эканлиги қиймага етказиб ифодалаб бера олиганимкин, дея шубҳаланган эдим, — дейди режиссёр Обиджон Абдуллаев. — Музейда Тоҳиржон ака билан суҳбатлашиб, ҳаёт тарзини, мулоҳазаларини тинглаб, драма билан танишар эканман, уста кулолнинг қанчалар ўзига хос ижодкор эканига ва бу “Кулол орзуси”да тўлиқ акс эттирилганига гувоҳ бўлдим. Мен бу сахна асарига жиддий кирилишим, ўзбек кулолининг ўзига хос ҳаёт тарзини, ҳақиқатларини нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунёга кўрсатишим зарурлигини англадим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фаргона вилояти бўлими раҳбари Дилшода Ҳалимжонов ва галли мушоира ҳам жуда файзли ўтганини таъкидлар экан, Тоҳиржон Ҳайдаров 2000 йилгача республикадаги энг таниқли журнал — “Муштум” билан ижодий ҳамкорлик қилгани борасида сўзлади. У чизган карикатуралар 1970 йиллардан бошлаб чоп этила бошлаган. Тоҳиржон Ҳайдаров ҳар сафар тахририятга борганида журнал бош муҳаррири Неймат Аминовнинг хонасида бўлиб ўтадиган кўплаб ижодий суҳбатлар ва мушоираларга гувоҳ бўлган. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби эл севган ижодкорлар билан танишиб, суҳбатлашган. Муҳаммад Юсуф “Парижнинг энг гўзал ресторонларини битта тандирнинг алишмасман мен”, деган машхур мисраларини ҳам илк бора ўша даврада шоир дўстларига ўқиб берганини ҳаяжон билан эслади.

— Ўзим ўрта маълумот олганман, ҳоло, — дейди Тоҳиржон ака. — Журналга хилма-хил мавзуларда карикатуралар чизиб берадим. 1985 йиллардан кейин пахта якжаҳокимлиги, СССРнинг қулаши, Орол денгизи қуриши, ўша пайтдаги раҳбарларнинг амал курсисидан тушганидан кейинги ҳолати ҳақида ўнлаб сиёсий карикатуралар чизганман.

Бир куни журнал бош муҳаррири Неймат Аминов Тоҳиржон Ҳайдаровга “Ука, хушёр бўл, карикатураларинг сабаб душманларинг ҳам кўпайди. Энди иложи бўлса, сиёсий карикатуралар чизмай тур”, дейди. Шунда ёш расмоннинг боши қотиб қолади. “Энди нима қиламан, қандай қилсам ичимдаги ижода бўлган иштиёқни сўндираман”, деб ўйлай бошлайди. Қулларнинг бирида, 1987 йил эди ўшанда, Тоҳиржон бир юмуш билан Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиоровнинг кулоллик устахонасига бориб қолади. У ердаги сопол буюмларни кўздан кечирар экан, унда ҳам кулолликда ўзини синаб кўриш истаги туғилди.

— Тўғриси айтман, гарчи риштонлик бўлсам-да, 25-26 ёшимгача бир донна ҳам кулоллик буюми ясамаган эдим, — дейди Тоҳиржон ака. — Ўзимни карикатурачи расмон билардим ва умримнинг охиригача фақат қоғозга карикатура чизаман, деб ўйлардим. Набижон Қодиоровга кулолликка қизиқиб қолганимни, агар устозлик қилса, бу хунарни жон деб ўрганишимни айтдим. Ўзим тайёрлаган сопол буюмларга игнада миниатюралар, портретлар чизиб, шеърлар ёза бошладим. Шу тариқа Риштон кулоллик мактабига янги йўналиш олиб кирдим.

От изини той босар, дейдилар. Тоҳир кулол қачон устахонага йўл олса, дарҳол икки ёнида икки қаноти — ўғиллари Элбек ва Темурбек пайдо бўлади. Уста кулолнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатишга, айтилган вазифани ортиғи билан бажаришга интилади. Ўзига хос санъат асари дунёга келиши учун ҳар бир хунарманд ўша асарга қалб кўрнин бағишлаши зарур.

Қўнха хунаримизнинг янги йўналишини тез илғай олган ёш кулол Темурбекнинг изланишлари эътибобга олиниб, 2021 йилда у “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Эсимни танибманки, дадам бизга юртимиз тарихи, улуг аждодларимизнинг шажаралари ҳақида жуда кўп гапиради, — дейди Темурбек. — Темурий шаҳзодалар, Бобурийлар шажараси ҳақида сўзлаш билан бирга, улар амалга оширган улуг ишларини ҳам эринмай ҳўқоя қилиб беради. Миллатимизнинг чин фарзанди бўлишингиз учун тарихини, маънавиятини, қадриятини англашингиз жуда зарур, болаларим, дея бот-бот таъкидлайди.

Ўйимиздаги кутубхонада 2 мингдан ошшиқ китоб жамланган. Ҳар куни мактаб ўқувчиларидан тортиб, нуруний отахону моmolаримизгача китобларимизни ўқиш учун кириб келади. Шундай пайтларда дадамнинг кўзларидаги қувонч ва ёлқини кўриб, жуда хайратланаман. Шундай инсоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман.

Айни пайтда қаҳрамонимиз Ўз фарзандлари билан яна бир анъанани йўлга қўйди. 2023 йилдан бошлаб Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида ҳамда Фаргона вилоятининг кўплаб мактабларида ота-бола Ҳайдаровларнинг кулоллик устахоналари ташкил этила бошлади.

— Куни кеча Президентимиз раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда мактабларда ўргатиш мумкин бўлган 50 та касб-хунар рўйхати тузилиб, ҳар бири бўйича ўқув ва амалиёт дастурлари ишлаб чиқилиши айтилди, — дейди Тоҳиржон Ҳайдаров. — Бу гаплар айни кўнглимиздаги бўлди. Энди мактабларда устахоналар ташкил этилиб, “касбий таълим устаси” лавозими жорий этилар экан. Мен ҳар гал мактаблар ва коллежларга борганимда фарзандларимизнинг миллий хунарларимизга ўзгача қизиқиш билан қараганига гувоҳ бўлганман. Ёшликда ўргатилган хунар эса тошга ўйилган нақш кабудир. Ўғил-қизларимиз қайси касбини танламасин, қўлида хунари бўлса, ҳар қандай машаққат ва қийинчилик олдида синиб қолмайди.

Дарҳақиқат, қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам 1991 йилда Риштон туманидаги Ёшлар клубида бўлиб ўтган кўргазмасини катта ҳаяжон билан эслади. Ўшанда машхур инсонларнинг сопол лаганларга чизилган шарҳлари иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирган эди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳам иштирок этган, бири берида ажойиб санъат асарларини кўздан кечираётиб, “Тоҳиржон, болам, сен кулолликда янги иш бошлабсан. Энди сени “Тоҳир сопол” деб атаймиз”, дея лутф қилган эди. Шунда машхур қизикчи ва сўз устаси Муҳиддин Дарешов “Бахтингиз бор экан, сизга халқ ёзувчисининг ўзи ном қўйиб берди-я”, деган сўзларини Тоҳиржон Ҳайдаров фахр билан эслади.

Мақола аввалида таъкидлаганимиздек, Тоҳир кулол жуда хушёр ва сергак инсон. Айниқса, ўтган йил сўнггида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишида ўртага ташланган мулоҳазаларни ҳам жуда катта эътибор билан тинглади. Ҳатто тинг-лаганларига қанот қилмай юрагига теккан сўзларни ва белгиланган муҳим вазифаларни сопол лаганларга игна билан ёзиб, минг даража ҳароратдаги олов билан пиширди.

Музей-устахонага келганига уч кун бўлган америкалик Жилиа хоним тандирдан эндиғина чиққан бу рангин лаган ва кўзларини кўздан кечираётиб, бундай савол берди: — Айтинг-чи, кулол жаноблари, бу махсулотларингиз қуёшда шунчалар товланиб туриши учун уларга қандай бўёқ сургансиз? Бу сайқал неча йил сақланиб туради ўзи?

— Жилиа хоним, сайқал юртимнинг соз тупроғи ва юртимдан чиққан аланга билан товланиб турибди. Бу бўёқ шундай силрлики, агар ушбу буюм синиб кетмаса, то қияматга қадар қуёшда товланиб тураверади. Миллий қадриятларимизнинг асрори шундаки, маънавиятнинг жуда чуқур маърифий илдизлардан, уммонлардан сув ичган. Мен бир оддий кулол бўлсам-да, ҳар дақиқада она юртимга соз тупроқ ва уйғоқ қалбим билан қўшилсам дейман... “Мен ўзбекман”, деган фахрли туйғудан ҳар лаҳза ҳам чуқур изтиробга тушаман, ҳам етти осмон қадар юксаламан. Чунки мен уйғоқ инсонман.

Жалойирлик жайдари ва чапани Тоҳир кулолнинг мана шу самимий сўзларини бугунги учрашувимизнинг хулосаси, деб танаддик. Зеро, юракдан чиққан сўзгина юракларни манзил эттүсидир!

Муҳтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

